

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**312** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг бошқарув тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент ислом университети қошидаги Ислomшунослик илмий-тадқиқот маркази тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**


**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 4 июль,  
193-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорига  
1-ИЛОВА

312-модда

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тошкент ислом университетининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: Университет мутахассисларининг умумий чекланган сони (штат бирликлари ўрнатилган меъёрлар билан белгиланадиган таркибий бўлинмалардан ташқари) — 71, шу жумладан, маъмурий-бошқарув ходимлар сони — 35,5.

\* штат бирликлари сони ҳамда Марказни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажми Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари асосида аниқланади.

\*\* университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан сақланади.

\*\*\* фақат штат бирликлари меҳнатига ҳақ тўлаш бюджет маблағлари ҳисобидан қопланади.

\*\*\*\* ходимлар сони белгиланган меъёрлар асосида аниқланади.


Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2012 й.

— 10 —

28 (528) -сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Тошкент ислом университети қошидаги Ислomшунослик  
илмий-тадқиқот маркази  
ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: штат бирликлари сони ҳамда марказни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажми Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Давлат бюджет маблағлари асосида аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 224-сон қарорига 1 ва 4-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 майдаги 224-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2000 йил 16 майдаги 190-сон қарори.